ИЧКИ МИГРАЦИЯ ВА ШАҲАР МАДАНИЯТИ: РЕТРОФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВ

В.А.Алимасов
Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон ДСМИ профессори

Аннотация: Мақолада ички миграциянинг кўринишларини, уларнинг цивилизация ва шаҳар маданиятининг шаклланишига таъсири ретрофалсафий очиб берилади. Замонавий шаҳарларнинг қишлоқ, аул, туман аҳолисининг миграциясига таъсири масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Ички миграция, урбанизация, шаҳар маданияти, қишлоқ турмуш тарзи, меҳнат тақсимоти.

Илмий адабиётларда “ички миграция” деганда шаҳар, қишлоқ, аул, туман аҳолисининг турар ёки иш жойини алмаштириши натижасида бир ҳудуд, бир давлат ичида силжиши назарда тутилади. Ушбу силжишлар натижасида “шаҳар ва қишлоқ”, “шаҳар маданияти” ва “қишлоқ турмуш тарзи”, “агломерация”, “урбанизация”, “шаҳарликлар ва қишлоқликлар” каби, ўзининг фалсафий-этимологик ва этнологик моҳиятига эга тушунчалар пайдо бўлган. Маданият тарихи ва этнологик тадқиқотлар кўрсатадики, кишилик жамияти аҳоли агломерацияси, маълум бир ижтимоий-жуғрофий маконда тўпланиши билан боғликдир. Ўлкамиз ҳудудларидаги илк шаҳар-давлатлар, яъни Сўғд, Бақтр, антик даврдаги Крит, Афина каби полис-шаҳарлар аҳоли агломерациясининг маҳсуллари эди. Ижтимоий меҳнат турларининг кенгайиши ва аҳамиятининг ошиши кооперацияга бўлган қизиқишни оширди, тўпланиб меҳнат қилиш, ҳамкорликда яшаш, бир бирининг тажрибасидан баҳраманд бўлиш ижтимоий тараққиёт шартига айланди (1;2;3). Меҳнат тақсимоти, касбий дифференциация эса, таниқли социолог Э.Дюркгейм фикрига кўра, “ижтимоий ҳамкорлик ва меҳнат инсоният, жамият, цивилизация” учун кучли катализатор ролини бажардики, кейинги бутун тараққиёт уларга таянади (4, С.147-152). Маданият, тафаккур, онг каби воқеликлар инсоният ҳаётига қанчалик таъсир қилган бўлса, меҳнат тақсимоти, касбий дифференциация ҳам ижтимоий тараққиётга шунчалик кучли таъсир қилган. Мазкур жараёнларда агломерация ва миграциянинг ўрни катта эди. Масалан,

эр.авв. III-II минг йилликларга тааллуқли Аргос, Кнос, Фест, Гурниа, Микен шаҳарлари йирик агломерация марказлари сифатида Крит-Микен маданиятини шакллантирган. Ғарбий Европа маданияти ва цивилизацияси ана шу Крит-Микен маданиятидан униб чиққан. Агломерация ва миграция жараёнлари шунчалик кенг эдики, уларни Италия ва Ғарбий Европа халқлари ижтимоий, иқтисодий, ҳатто сиёсий кооперациялашувининг энг муҳим босқичи эди, дейиш мумкин.

Шахснинг шаклланишига этномаданий муҳит, турмуш тарзи, қадриятлар тизими, ахлоқий императивлар, оилавий муносабатлар таъсир этади, бу аксиома. Демак, шаҳар кишиси ва қишлоқ аҳолиси ўртасида маълум бир этномаданий фарқлар бўлиши шарт. Қишлоқда шаклланган шахснинг шаҳар талабларига кўниколмай юриши одатий ҳолдир. Қишлоқда ижтимоий муносабатлар доираси чекланган, мулоқот субъектлари саноқли, меҳнат тақсимоти шаҳарникидан кескин фарқ қилади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун шаҳар кишиси бир кунда ўтган асрда қишлоқ кишиси умри бўйи мулоқотга киришган кишилар сонига тенг шахслар билан турли муносабатларга киришади. Супермаркет кассасида ўтирган қизча ёки шаҳар автобусини ҳайдовчи бир кунда ўртача туман аҳолиси сонига тенг кишиларга дуч келади, уларга хизмат қилади. Мулоқот жараёнларининг экстенсив кечиши янги-янги субъектларни ўз доирасига тортади, қишлоқ, аул ва туманлардан аҳоли оқимини оширади. Бундай кенгайишдан шаҳар ҳам, қишлоқ аҳолиси, айниқса қишлоқ ёшлари ҳам манфаатдор. Шунинг учун ҳам дунёда йирик шаҳарлар, яъни мегаполислар барпо этиш тенденцияси қарор топган. Дунё аҳолисининг 60 фоизи бугун шаҳарлада яшайди, миллионер шаҳарлар сони кейинги юз йил ичида 60 дан 704 га етган. Ўзбекистон ҳам миллионер шаҳарлар барпо этишга интилади. Тошкентдан кейин Наманган миллионер-шаҳарлар қаторига қўшилади.

Шаҳарлашиш жараёнлари агромуносабатларга, қишлоқ турмуш тарзига таъсир этмай қолмайди. Шаҳарлашиш қишлоқ ҳаётини, турмуш тарзини ютиб юборади, деган фикр баъзан учрайди. Қишлоқ ёшларининг шаҳарларга интилиши, ўқиш ва иш қидириш сабабли шаҳарга келиши одатий ҳолга айланган. Шаҳар маданияти ва урбанизацияси қишлоқ ёшларида қизиқиш уйғотиши кузатилади. Шогирдларимдан бири ўтказган социологик сўровнома натижалари кўрсатадики, респондентларнинг 72 фоизи шаҳар ҳаёти қишлоқникидан қизиқарли, завқли ва мафтункор, деб кўрсатади. Уларнинг 51 фоизи эса шаҳарда иш топиш, 49 фоизи ўқиш, касб орттириш имконлари мавжуд, деб жавоб беради. Респондентларнинг 68 фоизи келгуси ҳаётини шаҳар билан боғлаш ниятидадир. Демак, қишлоқ миграцияси шаҳар ҳаётига, маданиятига ҳам субъект, ҳам объект сифатида таъсир этади.

Қишлоқ аҳолисининг субъектлиги шаҳар ҳаётига табиатни, қўл меҳнатини севиш, қўшнилар билан аҳил яшаш, қариндошлик анъаналарини сақлаш, диахрон алоқаларга таяниш кабиларни олиб киришда намоён бўлади. Сир эмаски, шаҳар кишилари бу қадриятларга зарур эътибор беравермайди.

Қишлоқ аҳолиси шаҳардан билим, маърифат олиш, касб орттириш, интеллектуал меҳнатга, вақтдан унумли фойдаланишга, мароқли дам олиш орқали бадиий-эстетик дидини тарбиялашга ўрганади. Бу уни шаҳар маданияти объектига айлантиради.

Субъект-объект бўлиш силлиқ кечмайди. Демак, шаҳар маданияти (кишиси) билан қишлоқ маданияти (кишиси) ўртасида этномаданий тажрибалардаги фарқлар сақланиб қолади. Масалан, лаҳжалар таъсири шахснинг умри охиригача сақланади. Шаҳарга кўчиб келган қишлоқ кишиси чоп-чопларга, саҳарда ошга боришга, ўз вақтида сувга, газга тўловларни амалга оширишга, қўшнилари ўртасидаги "сан-ман"га кўниколмай юради. Қишлоққа борган шаҳар кишиси эса икки кундан кейин зерика бошлайди ёки ўчоқда овқат пиширириш, молхонани тозалашдан "исён" кўтаради. Тўғри, мазкур ўзига хосликларга инсон кўникиши мумкин, аммо реал ҳолат шаҳар ва қишлоқ маданиятида, уларга кўникишда сезиларли зиддиятлар борлигини кўрсатади.

Қишлоқ миграциясини рационал ташкил этиш давлат сиёсати билан боғлиқдир. Қишлоқни цивилизация ютуқларидан баҳраманд қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнесни ва маданий хизматлар кўрсатишни қўллаб-қувватлаш миграция

жараёнларигатаьсир этмай қолмайди. Қишлоқ миграциясини тўхтатиш имкони йўқ, унинг кераги ҳам йўқ. Бироқ этномаданиятдаги ранг-баранглик қишлоқ маданияти орқали эканини унутиб бўлмайди.

Адабиётлар

1.Қаранг: Пивоваров Ю.Л. Современная урбанизация. -Москва:РОУ, 1994.

2: Қаранг: Заборова Е.Н. Социологический анализ городского социального пространства. -Екатеринбург: ЕГУ, 1996.

3. Қаранг: Пугаченкова Г.А. Градостроительства и архитектура. Культура среднего Востока. -Тошкент: Фан, 1989.

4. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. -Москва: Наука, 1991.